



THE CONCEPT OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND REFLECTION ON ITS GLOBALIZATION

Akbar Davurbaevich Bababekov

Associate Professor

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

E-mail: abababekov79@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: sustainability, sustainable development, Malthusian theory, environment, ecological sustainability, economic sustainability, social sustainability.

Received: 17.01.26

Accepted: 18.01.26

Published: 19.01.26

Abstract: The article examines the concept of sustainable development and the history of its formation, the theoretical perspectives associated with it, the intrinsic interconnection between sustainable development and tourism, as well as the measures being implemented worldwide and in Uzbekistan to achieve the goals of sustainable development.

The article was prepared within the framework of Grant No. ALM-202403110244 entitled “Enhancing the Tourism Potential of Forish District Based on the Harmonization of Historical Sites and Natural Landscapes.” This research was carried out within the framework of grant project No. ALM-202403110244 titled “Enhancing the Tourism Potential of the Forish District Based on the Harmony of Historical Sites and Natural Landscapes”.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Акбар Давурбаевич Бабабеков

Мирзо Улугбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети доценти.

E-mail: abababekov79@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Барқарорлик, **Аннотация:** Мақолада барқарор Барқарор ривожланиш, Мальтус назарияси, ривожланиш тушунчаси ва унинг

атроф-мухит, экологик, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик.

шаклланиш тарихи, у билан боғлиқ назарий қарашлар, барқарор ривожланиш ва туризм билан боғлиқ узвий уйғунлик, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда дунё ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида мулоҳазалар ўрин олган. Мақола АЛМ-202403110244-сонли “Тарихий объектлар ва табиий масканлар уйғунлиги асосида Фориш тумани туристик салоҳиятини ошириш” мавзусидаги грант доирасида бажарилди.

КОНЦЕПЦИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ЕЁ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Акбар Давурбаевич Бабабеков

Доцент

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

E-mail: abababekov79@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: устойчивость, устойчивое развитие, теория Мальтуса, окружающая среда, экологическая, экономическая, социальная устойчивость.

Аннотация: В статье представлены рассуждения о концепции устойчивого развития и истории её формирования, связанных с ней теоретических подходах, органической взаимосвязи устойчивого развития и туризма, а также о мерах, реализуемых в мире и в Узбекистане для достижения целей устойчивого развития. Статья выполнена в рамках гранта № АЛМ-202403110244 на тему «Повышение туристического потенциала Фаришского района на основе гармонии исторических объектов и природных территорий»..

Кириш. XX аср охири - XXI асрга бошларига келиб, туризм соҳаси дунёдаги аксарият давлатларида барқарор ривожланиш сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланиб улгурди. Мустақиллик йилларининг илк давриданоқ, Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, сақлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди[1]. Шу боис, сўнгги ўн йилликларда шаҳар ва марказлардан олис ҳудудлар, қишлоқларнинг барқарор ривожланишида туризмнинг роли ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда “Барқарор ривожланиш” атамаси кенг тарқалган жозибали ибора, шиор, турли конференция ва академик тадқиқот ҳамда илмий мақолалар мавзусига

айланди[2] ҳамда кўплаб таърифлари пайдо бўлди[3]. Дарҳақиқат, инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларини ўз ичига олувчи мазкур тушунча янги фикрлар тизими эмас. Улар инсониятнинг асрлар давомида тўпланган ҳаёт тажрибаси ва билимларининг натижаси ҳисобланади ҳамда маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларида ҳам ўз аксини топган.

Муҳокама ва натижалар. Қадим даврларданоқ инсонларнинг ҳаёти уларни ўраб турган табиий - муҳит ҳолати, флора ва фауна билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Кўплаб халқларнинг маданияти, эътиқоди ва анъанавий маънавий қадриятларида табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва табиий ҳамда ижтимоий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаш асослари акс этиб келганлиги барчамизга маълум. Аммо, инсон фаолиятининг кенгайиши ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қолаверса, XVI асрдан бошланган саноатнинг тезкор юксалиши натижасида она табиатга қайта тикланмас даражада салбий антропоген таъсирининг ортиб бориши туфайли “барқарорлик” ёки “барқарор ривожланиш” тушунчасини долзарб аҳамият касб этишига олиб келди.

Барқарор ривожланиш концепцияси тарихи билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг аксарияти уни “барқарорлик” ва “ривожланиш” дея номланган икки концепциядан ташкил топганлигига эътибор қаратишади. Марокашнинг Кади университети иқтисодиёт фанлари доктори Махрут Самир шундай ёзади: “Ривожланиш” атамаси “Барқарор ривожланиш”нинг биринчи концепцияси ҳисобланади. Ривожланиш концепцияси иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик тузилмалардаги ўзгаришлар мажмуидир. У турли соҳалар ва академик илмий соҳаларда кенг қўлланилган ва кенг қамровли шаклланиш босқичидан ўтган”[4]. Тадқиқотчи Ж.Фрибоулет ривожланишни “мамлакат активларининг барқарор ва мустақил равишда ўсиши ҳамда уларни ўз халқи ўртасида адолатли тақсимлаш ҳолати”[5] деб таърифласа, тадқиқотчи Ж. Прадес эса, “ривожланиш – бу муносабатлар, имтиёзлар, турмуш тарзи, стандартлар ва эътиқод тизимлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар масаласидир”[6] дея таъкидлайди. Унинг фикрича, бу қадриятлар жамиятнинг барқарор эволюциясини ифодалайди, чунки улар унинг устувор масалалари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга[6].

Неоклассик ёндашув асосчиларидан бири Роберт Солоу фикрича, “барқарорлик у ёки бу ресурсларни тежаш эмас, балки келажакда фаровонликни яратишга ҳисса қўшадиган билим ва кўникмалар (инсон капитали) ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари (заводлар, машиналар ва бинолар)га активларни сарфлаш орқали ишлаб чиқариш қобилятини сақлашга эътибор қаратиш”дир. Неоклассиклар концепциясида ривожланиш барқарорликнинг вақт ўтиши билан камаймаслиги, яъни фаровонлик иқтисодий ўсиш даражасини акс эттиради”[7] дея ўз мақсадларини изоҳлашга интилишади.

“Барқарор ривожланиш” таърифи ва концепцияси тарихига чуқур назар ташлайдиган бўлсак, аслида айнан табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид ҳаракатлар ортидан бошланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Инсонлар бойиш, фаровон ҳаёт кечириш ва чексиз эҳтиёжларини қондириш йўлидаги тўхтовсиз ишлаб чиқаришни ошириб бориш ҳаракатлари туфайли сайёрамиздаги атроф-муҳит ва ресурсларига антропоген салбий таъсирнинг ортиб боришига замин ҳозирлади.

Натижада, барқарор ривожланиш концепциясининг илк куртаклари XVII асрда пайдо бўлди. Хусусан, Германиянинг Дрезден ва Хемница шаҳарлари ўртасида жойлашган Фрейберг шахрида истиқомат қилувчи, барқарорлик масалалари билан қизиқувчи, бош ўрмончи фаолияти билан боғлиқ эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ҳақда 1703 йилда С.Карловиц шундай ёзади: “шаҳар аҳолиси 1618-1648 йилларда иқтисодий фаровон турмуш кечири бошлади. Бу конлардан қазиб олинган кумуш билан боғлиқ эди. Уни кўпроқ қазиб олиш учун жуда кўп ёғоч керак эди. Бу ўрмонларнинг ҳаддан ташқари кесилишига олиб келди. Натижада, Карловиц ушбу муаммони англаб, маҳаллий аҳолининг келажакдаги ёғочга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ўрмонни бошқариш режасини таклиф қилди. Бу ўрмонни (ёғоч) барқарор бошқаришни таъминлашга қаратилган биринчи “огоҳлантириш кўнғироғи” эди[8].

XVIII асрга келиб, иқтисодий ўсишнинг кучайиши билан демография масаласи биринчи ўринга чиқди. Демографиянинг салбий таъсири хусусида дастлаб, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, демограф, сиёсий иқтисодчи ва пастор Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йй.) 1798 йилда нашр этилган “Нуфус (аҳоли) қонуни ҳақидаги тажриба” номли эссесига бунга эътибор қаратди. У демографик ўсишни қашшоқликнинг асосий сабабчиси сифатида асослашга уринди. Унинг ғоялари “Мальтус назарияси” (Мальтусизм ёки Мальтус чегаралари) номи билан машҳур бўлди. Мальтус назариясининг асосий мазмуни – аҳоли сонининг ўсиши яшаб қолиш учун ресурслар, айниқса, озиқ-овқат миқдорининг ўсишидан тезроқ содир бўлади, деган тахминдир. У аҳоли сони геометрик прогрессия (ҳар 25 йилда икки барабар кўпаяди), озиқ-овқат ишлаб чиқариш эса арифметик прогрессия тарзида ўсиб бориши салбий оқибатларга олиб келишини исботлашга уринган. У ўз тадқиқотида, “...туғилишни назорат қилиш чоралари кўрилмаса, аҳоли сони мавжуд ресурслар миқдоридан ошиб кетади ва натижада очарчилик, эпидемия ва урушларга олиб келади”[9] деган фикрни илгари суради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мальтуснинг ғоялари асосида 1834 йили Британия парламенти “Камбағаллар ҳақида қонун”ини қайта ишлаб чиқиб, оила аъзоларининг сонига қараб нафақа тўланишини бекор қилинишига олиб келганлигини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Гарчи илмий нуқтаи назардан, Мальтус аҳоли ва русурсларнинг ўсиш суръатларидаги фарқларни кўрсатиши керак бўлган оддий математик моделларга таянган бўлсада, унинг даврида демографик жараёнлар ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳақида аниқ маълумотлар кам бўлганлиги сабабли Мальтуснинг тахминлари асосан назарий бўлган ва эмпирик тадқиқотлар билан тасдиқланмаган дея хулосага келиш мумкин. Аммо, кўпчилик томонидан рад этилган ҳамда бир пайтнинг ўзида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ушбу назарияни бугунги кунда баъзилар муҳим огоҳлантириш, бошқалари эса қаттиқ ижтимоий ва сиёсий чора учун асос сифатида кўришмоқда[10].

XIX асрга келиб, барқарор ривожланиш концепциясида атроф-муҳит, табиий бойликларни асрашга бағишланган асарлар ва назариялар пайдо бўла бошлади. Улар жумласига, хом ашё танқислиги ва техник тараққиёт унинг оқибатларига бағишланган В.Стенлининг “Кўмир масаласи” (1865 йил) номли асарини, Леон Валраснинг (1872 йил) тақчилликнинг мутаносиблиги, “нархлар бўйича фойдалиликнинг чегараси” тамойили (“мавжуд товар миқдори ва унга муҳтож одамлар сони ўртасидаги нисбатни аниқлади”), шунингдек, атмосфера газлари ва уларнинг планета ҳароратига ўрта ва узоқ муддатли таъсирини ўрганган Ж. Фуренинг “иссиқхона эффекти” (1883 йил) дея номланган таҳлилий назариясини киритиш мумкин[11].

Мальтус чегаралари ҳақидаги мунозаралар вақт ўтиши билан ҳам давом этди. Бу мунозаранинг кейинги тўлқини сифатида атроф-муҳитнинг инқирозли вазиятда эканлигини тушуниб етган бир гуруҳ фан, маданият, маориф ва давлат арбобларини бирлаштирган Рим клуби (1970 йилда итальян иқтисодчиси А.Печчеи томонидан асос солинган) нодавлат ташкилоти томонидан тақдим этилган ғоялар ва истиқболлар мисолида намоён бўлди дейиш мумкин. Клуб аъзоларининг фаолияти сарҳисоби сифатида 1972 йилда Денис Медоуз, Даннела Медоуз ва Йорген Рандерс томонидан нашр этилган “Ўсиш чегаралари”[12] китоби машҳурликка эришди ва кўплаб тилларга таржима қилинди[13]. Улар ўз ғояларида аҳоли сонининг ўсишини мавжуд табиий ресурслар имкониятига мос равишда мўътадиллаштиришни таклиф этишди. Улар геометрик прогрессия билан кўпаяётган Ер юзи аҳолисининг талабларини арифметик тарзда кўпаяётган табиий бойликларнинг ресурс имкониятлари “кўтара олмаслиги”ни халқаро ҳамжамиятга уқтирмоқчи эдилар.

XX асрнинг 60-70 йилларига келиб, экологик муаммолар инқирозли даражада тус олганлиги, турли табиий фалокатлар (Орол денгизининг қуриши, чўлланишнинг кенгайиши[14])нинг салбий таъсири “Глобал муаммо” сифатида баҳоланиши[15] ортидан бу муаммога янада жиддий ёндашила бошланди ва 1970 йилларда биринчи марта “барқарор ривожланиш” ибораси Барбара Уорд томонидан фанга олиб кирилди[16].

Натижада, 1970 йилларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, янги технологияларни қўллаш ва ташкилий чора-тадбирлар асосида иқтисодий ўзгариш зарурлиги, табиатни муҳофаза қилиш ва жамиятни келажақда ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш масалалари муҳокама марказидан ўрин олди. Эътиборли томони, ушбу муҳокамалар 1972 йилда Швециянинг Стокгольм шаҳрида 113 давлат ва 19 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этган экологик муаммоларга бағишланган биринчи халқаро конференцияда ўз аксини топди. Ушбу конференцияда 27 нафар экспертлар гуруҳи атроф-муҳит ва ривожланиш ўртасидаги боғлиқликни таъкидлаб, “алоҳида ҳолатларда экологик ва иқтисодий устуворликлар ўртасида зидият юзага келган бўлсада, улар бир танганинг икки томони бўлган”[17] лигини илмий асослашга ҳаракат қилишган.

XX асрнинг 70-йилларида ҳам Рим клуби иштирокчилари “Ўсиш чегаралари” маърузасини эълон қилиши билан сиёсатчи ва иқтисодчи-олимлар орасида барқарорлик ва ўсиш боғлиқлигига оид мунозаралар чуқурлашувини кузатиш мумкин эди. Бу асар барқарор ривожланишнинг замонавий концепцияга асос солганлиги билан юқори аҳамиятга эга ҳисобланади ва кўплаб одамларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Илгари цивилизация ва табиат ўртасидаги муносабатларда инсоният асосий рол (бундай ёндашув фалсафада антропоцентризм деб аталади) касб этган бўлса, эндиликда атроф-муҳит билан муносабатда тўғри хулқ-атвор нормалари пайдо бўла бошлади. Экоцентризм деб аталадиган бундай ёндашув “цивилизация ва табиат тенглигининг тан олиниши, уларнинг ўзаро ривожланишига (коэволюция) асосланган”[18] эди.

Ушбу даврдан бошлаб барқарор ривожланиш концепцияси икки йўналишда: иқтисодчи “неоклассиклар” ва “кучли барқарорлик” ғояси тарафдорлари бўлган экологик ёндашув вакиллари ўртасидаги кураш доирасида ривожланиб борди. Масалан, классик мактаб вакиллари Т.Мальтус, Д.Рикардолар ўз тадқиқотлари орқали аҳоли сони ўсиб бориши билан барчанинг фаровонлигини таъминлаш имкони чекланади, иқтисодий турғунлик ҳолатига учрайди, бунда эркин савдо ва инвестициялар турғунлик ва ривожланишни бир муддатга кечиктиради, дея тушунтиришга интилан бўлса, неоклассик мактаб вакиллари уларнинг фикрига зид равишда, иқтисодийнинг турғун ҳолатида ҳам бирламчи эҳтиёжлар тўлиқ қондирилади, бунда даромадлар тақсимоли тенглигини таъминлаш ва инсонларни маънавий бойишга чорлаш жамиятнинг асосий вазифаси сифатида намоён бўлади[19] деган хулосага келган.

1940-1980-йилларга қадар “неоклассик”ларнинг концепцияси (Роберт Солоу ва бошқа) устувор бўлиб келди. Аммо, XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, барқарор ривожланиш ҳақидаги неоклассик иқтисодчиларнинг қарашлари унга қарама-қарши бўлган

экологик ёндашув (экологик иқтисодиёт) негизда шакллантирилган иқтисодий модел асосида ривожлантириш тарафдорларининг ғояларига ўз ўрнини бўшатиб берди.

Натижада, 1980 йилда барқарор ривожланиш концепциясининг асослари жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясида шакллантирилди. Атроф-муҳитни эъзозламасдан жамиятнинг барқарор ривожланиши мумкин эмаслиги барчага аён бўлди. Шу туфайли, 1983 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси тузилди. Унинг раиси Норвегиянинг ўша пайтдаги Бош вазири ва кейинчалик жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг раҳбари Гро Ҳарлем Брутланд шарафига кейинчалик “Брутланд комиссияси” дея аталди.

1986 йил ўтказилган БМТ саммитида ҳам ривожланиш концепциясига алоҳида урғу берилиб, “аҳолининг умумий фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён” дея таъриф берилиши дунё ҳамжамияти томонидан ушбу концепция ривожланиш жараёнининг бир қисми сифатида қабул қилинганлигидан далолат беради.

БМТ Бош Ассамблеяси бошчилигида 1987 йилда ташкил этилган Жаҳон атроф-муҳит ва тараққиёт кенгашининг (WCED) “Брутланд маърузаси”да барқарор ривожланиш концепцияси расман тан олинди[20] ҳамда атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича бутунжаҳон комиссияси ўзининг “Бизнинг умумий келажагимиз” ҳисоботида илк маротаба барқарор ривожланиш тушунчаси “барқарор ривожланиш – ҳозирги замон эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда келажак авлод эҳтиёжларини қондирилишини хавф остига қўймайдиган ривожланишдир”[21] дея расман эълон қилинди.

1989 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “Бизнинг умумий келажагимиз” ҳисоботидаги тавсияларни кўриб чиқиб, атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон конференциясини ўтказишга қарор қилди. 1992 йилда Бразилиянинг Рио-Де-Женейро шаҳрида “Атроф-муҳит ва тараққиёт” конференцияси ўтказилди. Ушбу анжуманда барқарор ривожланишнинг иқтисодий аҳамияти эътироф этилган ҳолда жаҳон миқёсидаги институционал асослари барпо этилди[22]. 178 дан ортиқ давлат иштирок этган мазкур конференцияда “Барқарор ривожланиш” дастурида белгиланган барқарор ривожланишга эришиш учун бешта асосий зиддиятларни: 1) табиат билан уйғунликдаги ҳаёт ва ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги; 2) жамиятнинг ривожланиши ва атроф-муҳит ўртасидаги; 3) замонавий ва келажак авлодлар манфаатлари ўртасидаги; 4) бой ва камбағал одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги; 5) ички иқтисодий қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш каби қарама-қаршиликларни бартараф этиш зурурлиги таъкидланди ҳамда инсон ҳаётини яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун барқарор ривожланиш учун глобал ҳамкорликни ўрнатиш бўйича комплекс

ҳаракатлар режаси (“Кун тартиби 21”) қабул қилинди. 1990 йилда эса, Канадада Халқаро барқарор ривожланиш институтига ҳам асос солинди[23].

Натижада, аъзо давлатлар Мингйиллик декларациясини 2000 йил сентябрь ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб квартирасида бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида бир овоздан қабул қилдилар. Саммит 2015 йилга қадар ўта қашшоқликни камайтиришга қаратилган саккизта Мингйиллик ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишга олиб келди.

2002 йил Жанубий Африка республикасининг Йоханнесбург шаҳрида “Жаҳон барқарор ривожланиш саммитида” иштирок этган 200 та давлат ва ҳукумат раҳбарлари барқарор мувозанатнинг учта ажралмас қисмини (иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлади ва “Кун тартиби 21” ва “Мингйиллик декларацияси” асосида кўп томонлама ҳамкорликка алоҳида урғу берилган бошқа масалаларни ўз ичига олган глобал масалага айланди.

Барқарор ривожланиш тушунчасининг глобаллашуви моҳиятини мазкур концепцияга берилган кўп қиррали ва турфа ёндашувлар асосида қуйидаги категорияларга: иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик барқарорлик нуқтаи назардан ёндашувларга бўлиб ўрганиш муҳимлигини эътибор марказига чиқарди.

Иқтисодий барқарорлик нуқтаи назаридан ёндашув. Барқарор ривожланишга иқтисодий ёндашув асосида берилган таъриф “XXI аср кун тартиби”да келтирилган бўлиб, унга кўра “барқарор ривожланиш бу инсониятнинг олдинга қараб интилиши модели бўлиб, бунда ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондириш ва келажак авлодни бундай имкониятдан маҳрум бўлмаслигини таъминлашдир”[24]. Бақарор ривожланиш концепциясининг мақсади ҳам айнан “табиат бойликларини ўзлаштиришда бугунги талабидан келиб чиқиб эмас, балки келажак авлод эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш”[25] ни англатади. Дарҳақиқат, “Барқарор ривожланиш” ғоясининг мақсадини сақлаб қолган тарзда унинг мазмун-моҳиятини реал ҳудудий имконият ва шароитга қараб шакллантириш, яъни кишилиқ фаолиятининг барча жиҳатларини бир меъёردа ривожлантиришга минтақа, мамлакат ва ҳаттоки маҳаллий (қишлоқ) миқёсида индивидуал ёндашиш глобаллашув шароитида давр талаби ҳисобланади. Аурелио Печчеи тўғри таъкидлаганидек: “Инсониятга энди, аслида ривожланишининг кейинги босқичига имкон қадар тезроқ яқинлашишдан бошқа ҳеч нарса қолмади, у ўз кучини муносиб донолик билан бирлаштириб, барча инсоний ишларни уйғунликда ва мувозанатда юритишни ўрганади”[26].

Жаҳон туризм альянси раиси Зҳанг Ху нинг таъкидлашича, “Бугун, жаҳон иқтисодиёти барқарор равишда тикланар экан, биз тез-тез Covid-19 нинг Барқарор ривожланиш учун 2030 кун тартибига таъсири ҳақида мунозараларни эшитмоқдамиз. Баъзи жойларда пандемия туфайли қашшоқликка қайтиш хавфи пайдо бўлмоқда. Қашшоқликдан чиққан

мамлакатлар ва минтақалар ўсиш ва барқарор ривожланишга қайтишга интилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш учун биз жамият тараққиётининг умумий самарасини янада адолатли ва самарали тақсимланишини таъминлашимиз керак”[27] деган чақириқлари барқарор ривожланиш концепциясини глобаллашганидан дарак беради.

Ижтимоий барқарорлик нуктаи назаридан ёндашув. Барқарор ривожланиш – бу энг аввало иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланиш вазифаларини амалга ошишига имкон берадиган аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш зарурияти ҳисобланади[28]. Олим Э.В.Хлобистовнинг таъкидлашича, “барқарор ривожланиш бу миллий ижтимоий-иқтисодий ўсишга қаратилган методологик мўлжал”[29] бўлиб, ижтимоий барқарорлик нуктаи назардан ёндашув ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Экологик барқарорлик нуктаи назаридан ёндашув. Таниқли инглиз олими Майкл Джейкобснинг ёзишича, “барқарор ривожланиш-жамият ривожланишининг бир кўриниши бўлиб, бунда ривожланишнинг атроф-муҳитга таъсири биосферанинг иқтисодий имкониятлари доирасида қолади ва инсоният фаолиятининг табиий асослари бузилмайди”[30]. Бундан келиб чиқиб, барқарор ривожланиш атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмасдан ривожланишини англатиши жаҳон ҳамжамяти томонидан қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамятида сиёсий ва иқтисодий ривожланишдаги ноаниқликлар, турли хавф ва таҳдидларнинг ўсиб бораётганлиги, ҳар бир мамлакатнинг ўз Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйиши туфайли “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ғоясидан узоқлашиб “Барқарор ривожланиш” ғоясини илгари сурилишига сабаб бўлди.

Шу даврдан эътиборан, халқаро ташкилотлар минбарларида барқарор ривожланиш ва барқарорлик концепцияси назарий муаммо сифатида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қашшоқликка қарши курашиш, таълим имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий-тиббий ёрдам сифатини ошириш каби муаммолар билан бир қаторда экологик муаммолар тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган эди. Натижада, ҳар бир мамлакат барқарор ривожланиш мақсадларини белгилаб олиши ва ушбу йўналишдаги вазифалар кўламини аниқлаштириш ҳам халқаро, ҳам миллий даражада сиёсий музокаралар предметига айланди. Барқарор ривожланиш мақсадлари давлатлар ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига хизмат қилиши асослаб берилди[31].

2015 йил сентябрь ойида БМТ Барқарор ривожланиш саммитида 17 та мақсадни ўз ичига олган “2030-йилгача Барқарор ривожланиш кун тартиби”ни қабул қилинди[32].

Бугунги кунда барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиши ва унинг глобаллашувига ҳар йили ўтказиладиган Барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги

сиёсий форумлар, ҳисобот ҳамда тадбирлар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий департаментида (UNDESA) Барқарор ривожланиш Мақсадлари (DSDG), Глобал бақарор ривожланиш ҳисоботи (GSDR) барқарор ривожланиш ва улар билан боғлиқ масалалар, жумладан сув, энергия, иқлим, океанлар, урбанизация, транспорт, фан ва технологияни ривожлантириш) муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Барқарор ривожланиш – 2030 мақсадларида ҳам жумладан, қашшоқликка барҳам бериш (эътиборни қишлоқда камбағалликда яшовчи аҳолининг даромад олиш салоҳиятини оширишга қаратиш), сифатли таълим олиш, тоза ва фойдаланиш мумкин бўлган энергия (қишлоқда қайта тикланадиган энергияни манбаларини тарғиб қилиш), тенгсизликни камайтириш (туризм маҳсулотларини ишлаб чиқишда гендер тенгсизликларни бартараф этиш), маъсулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш, иқлим ўзгариши (барқарор экинлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши), қуруқликдаги биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш каби муаммоларнинг асосий ечимлардан бири сифатида таклиф этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. 2015 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси БМТ саммитида эълон қилинган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби дастури”га қўшилгандан сўнг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширила бошланди[33]. Ушбу “кун тартиби”ни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 февралдаги 111-сонли Фармойиши, БМТнинг 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш бўйича доиравий дастури, 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 21 февраль 2022 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. “Барқарор ривожланиш мақсадлари”ни мамлакат эҳтиёжларига мослаштириш учун жиддий қизиқиш ва интилишлар натижаси сифатида, 2017-2021 йиллар учун Ўзбекистоннинг ҳаракатлар стратегияси натижалари ва ҳозирда амалга оширилаётган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида”ги асосий тамойил халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётни трансформация қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришни кўзда тутди[34].

Ўзбекистонда Миллий Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ)ларини амалга ошириш йўлида амалий қадамлар ҳам ташланганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, (БРМ) қабул қилинганлиги, 16 та Миллий мақсад ва 125 та вазифалар тасдиқланганлиги, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва Миллий БРМларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича йўл харитаси тузилганлигини, Давлат статистика қўмитаси асосида БРМ бўйича веб-сайти ишга туширилганлиги (www.nsdg.stat.uz), Ўзбекистонда биринчи Ихтиёрий миллий таҳлили лойиҳаси тайёрланиб, ушбу таҳлиллар асосида тезислар ва БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгашида тақдирот ўтказилганлигини санаб ўтиш мумкин[35].

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга босқичма-босқич ўтишнинг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий асослари шакллантирилган. Аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, манзилли ижтимоий ҳимоя масалаларини бевосита аҳоли яшаш жойларида (маҳаллаларда) кўриб чиқиладиган, бошқа хорижий мамлакатлардан фарқ қилувчи маҳалла миллий модели амалга оширилмоқда. Мазкур тамойил асосида бир қатор институционал ислохотлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ислоҳ қилинмоқда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг барча соҳаларида аҳоли ва фуқаролик жамиятининг кенг иштироки орқали демократиянинг ривожланиши таъминланмоқда. “Очиқ бюджет” тизими фаол ишлаб чиқилиб, янги “маҳалла бюджети” тизими амалиётга жорий қилиниши натижасида аҳоли маҳаллий бюджет маблағларини аниқ талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда бевосита иштирок этиб, ўзларининг муаммоларини мустақил ҳал этишмоқда[36].

Сўнгги йилларда мамлакат келажагини белгиладиган асосий стратегиялардан бири сифатида Ўзбекистонда ҳам барқарор ривожланишга оид бир қанча соҳаларда илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда. Шу маънода 2030-йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий дастурларга интеграция қилиш орқали ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатлар бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олингани диққатга сазовор. Жумладан, иқтисодчи Амонбоев М ва бошқалар томонидан “Барқарор ривожланиш деганда мавжуд ресурслардан фойдаланишда, уларнинг истеъмолида келгуси ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олиш ва бунда оқилона ёндашувни қарор топтириш ёки бошқача айтганда бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт манфаатлари йўлида табиат неъматларини оптимал сарфлаш ва ресурсларни тежамли ишлатиш” тушунилиши алоҳида қайд этилди.

Дунёнинг энг йирик ижтимоий-иқтисодий тармоқларидан бири сифатида туризм қишлоқ жойларни барқарор ривожлантиришда муҳим “куч”и сифатида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, туризм иш ўринлари яратиши, иқтисодни ошириши, табиатни

муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши ва турли маданиятлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин.

Бугунги кунда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда туризм - ривожланишнинг умумий драйвери сифатида кўрсатилмоқда. Умумий фаровонлик Барқарор ривожланиш мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қашшоқликка барҳам бериш, сайёрамизни ҳимоя қилиш ва 2030 йилгача барча инсонлар тинчлик ва фарвонликдан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган универсал чақириқ сифатида янграмоқда. Фаровонлик иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсади бўлиб, жамиятнинг барча аъзолари ўз мамлакати ва минтақасидаги ўсиш ва ривожланишдан фойда олишлари керак[37].

Хулоса. Шундай қилиб, хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, барқарорлик концепцияси жуда кўп фикр, қараш ҳамда тадқиқотларни юзага келтирди. Жумладан, инсонларнинг табиат билан уйғунликда яшайдиган дунёсини шакллантириш йўлида сайёрамиздаги табиий ресурсларни асраб-авайлаши ҳамда улардан барқарор фойдаланиши, барқарор ривожланиш жараёнида ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадлар орқали ўзаро тўлдирувчи ва бўйсунувчи характерга эга бўлиши керак. Илмий соҳа вакиллари ва мутахассислар томондан берилган таърифлардан шуни умумлаштириш мумкинки, барқарор ривожланишда иқтисодиёт, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро ажралмаслиги кузатилади ва уларнинг тенглиги асосида барқарор ривожланишга эришилади[38].

Сўнгги йилларда барқарор ривожланиш тушунчаси халқаро ҳамжамятда кенг муҳокама қилинаётган концепциялардан бири бўлишига қарамасдан, ушбу тушунча моҳиятини очиб берувчи ягона илмий ёндашув шаклланмаган. Бизнинг фикримизча, турли ёндашувлар асосида берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда, барқарор ривожланишга концепциясини “Барқарор ривожланиш бу жамият ва ундаги ҳар бир инсон эҳтиёжларини атроф-муҳит ва табиий ресурсларга зиён етказмаган ҳолда қондиришга қаратилган, ривожланиш жараёнида глобал ҳамкорлик асосланган ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларни мутаносиб тарзда ечишни ва қашшоқлик ва соғлиқни сақлаш, таълимни яхшилаш, тенгсизликни камайтириш ва туризмни ривожлантиришга орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган стратегияларга таянган ҳолдаги комплекс ривожланишдир” дея таърифласак мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Turizm to'g'risida O'zbekiston Respublikasining Qonuni // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.07.2019-y., 03/19/549/3446-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son, 12.10.2021-y., 03/21/721/0952-son; 07.06.2022-y., 03/22/775/0477-son.

2. Paul D. B. A history of the concept of sustainable development: Literature review. 2007. –Pp. 576-580 // URL: <https://www.researchgate.net/publication/242219096>.
3. Бринчук М.М. Концепция устойчивого развития: потребности в совершенствовании // Астраханский вестник экологического образования. № 1 (31), 2015. – С.5-13.
4. Weaver D. (Eds.) Sustainable Tourism. Theory and Practice-Elsevier Butterworth-Heinemann. - Burlington, MA 01803, USA. Elsevier Ltd. All rights reserved 2006. – Pp. 9-10. (- 248 p); Makhrouf S, Ait Hbib A. Sustainable development: the history and evolution of a concept // Revue Internationale de la Recherche Scientifique (Revue-IRS). Vol. 1, № 4, 2023. – Pp. 497-509. URL: <https://www.revue-irs.com/index.php/home/article/view/58/41>
5. Friboulet J. Developpement economique et social Histoire. Encyclopedia Universalis. // URL: <https://www.universalis.fr/encyclopedie/developpement-economique-et-social-histoire/>
6. Prades J, Vaillancourt J, Tessier R . Environnement et développement: questions éthiques et problèmes socio-politiques. Les Editions Fides, 1991. -P. 48. URL: <https://www.religiologiques.uqam.ca/no9/prade.pdf>
7. Makhrouf S, Ait Hbib A. Sustainable development: the history and evolution of a concept // Revue Internationale de la Recherche Scientifique (Revue-IRS). Vol. 1, № 4, 2023. – Pp. 497-509. URL: <https://www.revue-irs.com/index.php/home/article/view/58/41>
8. Mensah J, & Ricart Casadevali S. Sustainable development: meaning, history, principles, pillars and implications for human action: Literature review // Cogent Social Sciences, 5(1). 2019. –Pp. 1-21. DOI: <http://dx.doi.org/10.1080/23311886.2019.1653531>
9. Malthus T.R. An Essay on the Principle of Population by Thomas Malthus. Chapter (1798) // URL: <https://www.marxists.org/reference/subject/economics/malthus/ch15.htm>
10. Сайидашқаров А. Мальтус назарияси қанчалик ҳақиқат? // URL: <https://platina.uz/2024/08/19/maltus-nazariyasi-qanchalik-haqiqat> Мурожаат санаси: 16.10.2024.
11. Makhrouf S, Habibi Ait A. Sustainable development: the history and evolution concept // Revue International de La Recherche Scientique (Revue-IRS). ISSN: 2958-8413. Vol. 1, № 4, 2023. –Pp. 497-509. URL: <https://www.revue-irs.com/index.php/home/article/view/58/41>.
12. Donella H. Meadows, Dennis L. Meadows, Jorgen Randers, Uilyam Berens III. The limits to growth Signet. - New York. Universe Books, 1972. – P.9. (- 211 p)
13. Paul B.D. A history of concept of sustainable development: literature review. University of Oradea. 2008. – P.576 //

URL:https://www.researchgate.net/publication/242219096_A_history_of_the_concept_of_sustainable_development_Literature_review

14. Нигматов А, Кулматов Р, Расулов А, Мухамедов Ш. Барқарор ривожланиш ва унинг тизимли индикаторлари. Монография. – Тошкент: Srectrum Media Group, 2015. –Б. 7. (-120 б.)

15. Springett D & Redclift M. Sustainable Development: History and evolution of the concept/ 2015. –Рр.1-5. // URL:https://www.researchgate.net/publication/282739881_Sustainable_development_History_and_evolution_of_the_concept

16. Ашурова С. Барқарор ривожланиш концепцияси ҳақида тушунча // ҚарДУ хабарлари. Илмий-назарий, услубий журнал.3 (45). – Қарши, 2020. -Б. 106-109.

17. Vogler, J. The international politics of sustainable development. In Handbook of Sustainable Development. (2nd). Edward Elgar Publishing. 2014. –Рр. 27-35. (-489 P.) URL: <https://www.e-elgar.com/shop/gbp/handbook-of-sustainable-development-9781782544692.html>

18. Рахмонов Ш.Ш. Барқарор ривожланиш концепциясига берилган илмий таърифларнинг назарий таҳлили // <https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/download/351/58/461> -Б. 99-102.

19. Сафарова Н.Н. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усуллари тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б.11. (- 60 б.)

20. World Commission on Environment and Development. Our Common Future. Oxford University Press, Oxford, UK. 1987.

21. Наше общее будущее: Доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию. - С. 30. URL: <http://xn--80adbkckdfac8cd1ahpld0f.xn--p1ai/files/monographs/OurCommonFuture-introduction.pdf>

22. United Nations (1992): Earth Summit: Agenda 21; Rio Declaration; Statement of Forest Principles: The final text of agreements negotiated by Governments at the United Nations Conference on Environment and Development (UNCED), 3-14 June 1992, Rio de Janeiro, Brazil.

23. Мазуренко О.М. Эволюция понятия «Устойчивой развитие» в экономической науке // Экономическая наука сегодня. № 3. 2015. –С. 206. <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-ponyatiya-ustoychivoe-razvitie-v-ekonomicheskoy-nauke/viewer> (-С. 206-210)

24. Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml

25. Drost A. Developing sustainable tourism for world heritage sites //Annals of tourism research. – 1996. – Т. 23. – №. 2. – С. 479-484.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/0160738396833457?via%3Dihub>
26. Аурелио Печчие. Человеческие качества. 2-е изд. Пер. с англ. О.В.Захаровой. Общая ред. акад. Д.М.Гвишиани. – М.: Изд-во Прогресс, 1985. –С. 5. (-312 с.)
27. Tourism: A driver for shared prosperity. Key insights. Foreword by the World Tourism alliance. 2023. –Pp. 3-4. URL: Tourism: A Driver for Shared Prosperity – Key insights | World Tourism Organization (e-unwto.org)
28. Горшков В. Г. Физические и биологические основы устойчивости жизни / В. Г. Горшков. – М. : ВИНТИ, 1995. – 256 с.
29. Хлобистов Є. В. Екологічна безпека трансформаційної економіки / Є. В. Хлобистов. – К. : Чорнобильінтерінформ, 2004. – 336 с.
30. Jacobs M. Sustainable Development: Greening the Economy / Fabian Society. 1990.
31. Amonboev M, Xalilov C. Baqaror turizm rivojlanishi. O'quv qo'llanma. – Toshkent, “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2021. – 5-b. (- 96 b)
32. <https://sdgs.un.org/goals> БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўлими. Барқарор ривожланиш саҳифаси. Мурожаат санаси. 26.11.2024 йил.
33. O'zbekiston Respublikasida milliy BRMga erishishning statistik ko'rsatkichlari. URL:
<https://nsdg.stat.uz/uz/publications/19> Мурожаат санаси. 28.11.2024.
34. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи). – Тошкент, 2023. –Б.3-4.(-161 б.) URL:
https://api.mf.uz/media/document_files/Ikkinchi_milliy.pdf Мурожаат санаси: 22.10.2024 йил.
35. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Барқарор Ривожланиш Мақсадларини амалга ошириш ва ихтиёрий миллий таҳлили. – Тошкент. 2020.
36. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи). – Тошкент, 2023. –Б.3-4.(-161 б.) URL:
https://api.mf.uz/media/document_files/Ikkinchi_milliy.pdf Мурожаат санаси: 22.10.2024 йил.
37. Tourism: A driver for shared prosperity. Key insights. Foreword by the World Tourism alliance. 2023. –Pp. 3-4. URL: Tourism: A Driver for Shared Prosperity – Key insights | World Tourism Organization (e-unwto.org)

38. Рахмонов Ш.Ш. Барқарор ривожланиш концепциясига берилган илмий таърифларнинг назарий таҳлили //

<https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/download/351/58/461> -Б. 100.